

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**  
**АСОСИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА АҲОЛИ**  
**ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Республика илмий – амалий анжумани**

**ИЛМИЙ МАҚОЛА ВА МАЪРУЗАЛАР Тўплами**

**2 ИЮНЬ 2021 йИЛ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**90<sup>yil</sup>**  
**TDIU**

**Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш асосида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг устувор йўналишлари.**

Республика илмий-амалий анжумани илмий мақола ва маърузалар тўплами (2021 йил 2 июнь). – Т.: ТДИУ, 2021. – 951 б.

Мазкур тўпланда мамлакатимиз ва хорижий олимлар, амалиётчиларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги рақамли иқтисодиётни ўрни ва уни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий мақола ва маърузалари умумлаштирилган. Шунингдек, тўпланда иқтисодчи-олимлар ва иқтидорли талабаларнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш муаммолари ва эришилган ютуқлар борасидаги таклиф ва тавсиялари баён этилган. Анжуман материаллари тўплами профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар тадқиқотчилар ва талабалар учун мўлжалланган. Тўпланим таҳрир ҳайъати қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

***Масъул муҳаррир:***

*Профессор. К. А. Шарипов*

***Тақризчилар:***

*Профессор. Н. М. Махмудов*

*Профессор. Ш. Ж. Эргашходжаева*

***Таҳрир ҳайъати:***

*Профессор. М. П. Эшов*

*Профессор. Г. Қ. Абдурахманова*

*Профессор. С. К. Худойқулов*

*Доцент. Н. Ф. Идиев*

*PhD. О. А. Норбоев*

*Мазкур тўпланимга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий хужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари маъсулдирлар.*

## МУНДАРИЖА:

КИРИШ..... 4		
1-шуба Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар: муаммолар, ечимлар ва истикболлар <i>(Иқтисодиёт факултети)</i>		
Kuzieva F.J.	Structural changes and modern prospects in the digitization of the national economy of the country.....	14
Абдурахмонова Г.К. Рустамов Д.Ж.	Инвестицион муҳит жозибдорлигини оширишда тижорат банкларининг аҳамияти.....	19
Махмудов Н.М. Авазов Н.Р.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida tarkibiy o'zgarishlar va unga investitsiya omilining ta'siri.....	24
Tulkinov U.O.	Derivative application in an economic problem: maximum profit analysis.....	36
Toshpo'latov J.	Islom tamoyillariga asoslagan bank tizimining an'anaviy banklardan farqli jihatlari va islomiy banklarning o'zbekistonga kirib kelishi.....	37
Xolto'rayev Y. Qulmatova S.	Raqamli iqtisodiyotda kraudsorsing va kraudfanding imkoniyatlaridan foydalanish.....	44
Mirxodjayeva N.Sh Axmedov B.R	Ko'p o'zgaruvchili funktsiyaning iqtisoddagi tatbiqi.....	48
2-шуба Корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш механизми. <i>(Корпоратив бошқарув факултети)</i>		
Sadullayev S.J Shermuhamedov A.K	Korporativ boshqaruv va Kapital bozorida raqamli iqtisodiyotning afzalliklari.....	51
Дониев М.Р Хамзаев А.Н	Акциядорлик жамиятларида қимматли қоғозлар муомаласининг назарий ва ташкилий жиҳатлари.....	53
Бахадирова Д.Б Темиров А.А	Анализ тенденции дивидендной политики акционерных обществ в республике узбекистан.....	59
Ҳайитов Ф.Ш Темиров А.А	Компаниялар инновацион бошқарувини такомиллаштиришда молиявий стратегиянинг аҳамияти.....	63
Ибрагимов Э.И Темиров А.А	Корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари.....	66
Каримова Ф.М Темиров А.А	Корхоналар инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда рақамли технологияларни жорий этиш хусусиятлари.....	70
Ибрагимов Э.И	Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш имкониятлари.....	72
Sabirova X.O Azlarova A.A	Masofaviy bank xizmatlarining raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishdagi ahamiyati.....	75
Тоймухамедов И Абдувоҳидов Ж	Ўзбекистон тижорат банклари кредитлаш тизимида кредит таъминотини бошқаришни такомиллаштириш йўллари.....	80
Гаипов Ж.Б Давлатова З.К	Роль коммерческих банков в современной экономике.....	85
Ибодуллаева И Азларова А.А	Значение развития цифровой экономики в финансовых услугах банка.....	88
Ҳайдаров Ў.А Ниғматуллаев А.Х	Рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарувни ривожлантириш истикболлари.....	90
Ismailov D. Utbasarov O	Mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni ahamiyati.....	95

Tojiboyev B.A Saidova M.Y	Kombinatorika elementlari.....	369
G'ulomov D.Q Saidova M.Y	Analitik geometriya va uning iqtisodga tadbiqui.....	373
Norboyeva N.E Nabiyeu N.X	O'zbekistonda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda elektron tijoratni rivojlantirish istiqbollari.....	376
Tursunov B.O To'xtamurodova A.O	Mamlakat oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash istiqbollari.....	380
Usarov J Norboyev X	Iqtisodiyotda to'g'ri chiziqdan foydalanish.....	385
Ходжабаева Д.К Зокиров А	Гиперболик регрессия модели.....	389
Xasanova Z.T Sobirov S.S	Noma'lum parametrlarni interval baholash.....	392
Yakubova U.Sh Eshonqulova S.B	Optimization of the transportation problem by the method of potentials...	398
Yakubova U Fazlitdinova N	Random variables and their numerical characteristics.....	403
Бадалова Л.Б Хашимова Д.П	Особенности цифровой трансформации деятельности консалтинговых компаний.....	407
Бекматов Д.Ш Алламбергенова	Выпуклые множества и приложение их в выпуклом программировании.....	413
Tuxtabaev J.Sh Nurullayev X.U Mamadaliyev D.Sh Xotamova X Yuldosheva D	Korxonaning iqtisodiy xavfsizligiga: tahdid va omillar...	419
Маматов С.А. Тиркашев Ф.Х	Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида инвестицияларнинг ўрни ва ахамияти. хорижий инвестицияларни жалб этиш йўллари.....	422
Мухаммадиев Х.Д	Ўзбекистонда инновацияларни давлат томонидан тартибга солинишининг хусусиятлари.....	427
Одилова Ў Абдуллаева Р.М	Таълим жараёнида ёшларни иқтисодий фаолиятга тайёрлашнинг зарурати.....	431
Абдуллаев Б Очилова Г.О	Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан ўқув жараёнларида фойдаланиш имкониятлари.....	434
Раимова Н Абдуллаева Р.М	Таълим жараёнида талабаларни бошқарув фаолиятига тайёрлаш зарурати.....	437
Saipnazarov Sh.A Abdukayumov A.N	Methods for solving functional equations.....	441
Saipnazarov Sh.A Abdukayumov A.N	Xalqaro matematika olimpiada masalalarining noodatiy uslublarda yechilishi.....	445
Парпиева Р.А Қосимова С.А	Ўзбекистонда инновацияларни давлат томонидан тартибга солинишининг хусусиятлари.....	449
Мансурходжаева Гульноза А Пилипенко Е.Ф	Использование интернет-технологий в процессе продвижения товаров и услуг торгового предприятия.....	453
Norboyeva N.E Xikmatova F.X	Raqamli iqtisodiyot sharoitida bulutli texnologiyalarning o'rni.....	457

айрим индивидуал қарорларга таъсирланишга йўл қўйилмайди.

Гуруҳга шундай кимсалар киритиладики, улар бир-бирларидан фикрлаш услубларининг ноёблиги билан фарқ қиладилар. Масалан, кимдадир мантиқийлик устун, кимдир креатив, кимдир танқидчи ва шунга ўхшаш.

Гуруҳда шундай ижодийлик руҳи бўлиши керакки, ҳар ким хоҳлаган фикрини бемалол айтаверади, у ёки бу фикр танқид қилиниши мумкин, лекин унинг эгаси танқид қилинмайди. Бундай шароитда ўртача интеллектуал даражага эга бўлган шахс ҳам шундай фикрлар изҳор қила бошлайдики, улар алоҳида қолган пайтида сира ҳам мияга келмаган бўларди.

Бу жараён барча таълим муассасаларида қўлланилиши мумкин, фақат унинг юқоридаги тамойиллари инобатга олинishi ва гуруҳда ўзаро ҳамжиҳатлик муҳити бўлиши керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Йўлдошев Ж.Ғ., Усманов С.А. Педагогик технология асослари. Қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 104 б.
2. Ҳамдамов Р., Бегимкулов У., Тайлақов Н. Таълимда ахборот технологиялари. – Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2010. –120 б.
3. Махмудов И., Шомуротова Н. Бошқарув психологияси. Ўқув қўлланма. 2019. 180-б.
4. Қосимов Ғ.М., Мўминов Н.А. Раҳбарлик қобилияти ва бошқарув малакалари. – Т., 2001. 130-б.

*Абдуллаев Баҳодир, 3-курс, КЕ- 75 гуруҳи талабаси  
Илмий раҳбар: Очилова Гулноза Одилевна,  
п.с.ф.ф.д.PhD, доцент, ТДИУ*

## **ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ЎҚУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ФойДАЛАНИШ ИМКОНияТЛАРИ**

Замонавий ахборот технологияларининг таълимни интенсивлаштириш ва оптималлаштириш имкониятлари таълим жараёнларини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун мутахассис кадрлар тайёрлашдан асосий мақсад уларда замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиб билим, кўникма ва малакаларини ҳамда педагогик маҳоратларини шакллантиришдир. Бугунги кунда педагогик таълим самарадорлигини ошириш билан бевосита алоқадор бўлган бир қатор, ҳозиргача ечими топилмаган муаммолар мавжуд. Бу муаммолар таълим соҳасини ахборотлаштириш, замонавий ахборот технологиялари соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш, педагогларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш малакасининг етарли эмаслиги билан боғлиқ.

Бу муаммоларнинг муҳим қирраларидан бири сифатида ўқитувчиларнинг ўзларида таълимни замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозлашга бўлган муносабатларини кўрсатиш мумкин. Шу нарсани таъкидлаш жоизки, ахборотлаштириш шароитида ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳозирги замон талаблари даражасида янада ошади.

Ҳозирги кунда барча таълим муассасалари замонавий компьютер ва телекоммуникация технологиялари асосида жиҳозланмоқда. Бу, ўз навбатида, педагогларнинг ўз меҳнат фаолиятларига янгича ёндашувларини талаб этади. Ўқув жараёнида янги технологияларни жорий этилиши, ўқитувчини техник воситалар томонидан малакаларини шакллантиришнигина эмас, балки унинг вазифалари, ролини ўзгартиради, ўқитувчилик фаолиятини янада серқирра касбга айлантиради.

Компьютер ва замонавий ахборот технологияларининг жадал суръатда ривожланиши эндиликда ҳозирги замон ўқитувчисининг педагогик маҳорати нақадар серқирра бўлиши лозимлигини талаб қилинади. Ҳозирги кунда замонавий ўқитувчидан: ўқув курслари дизайнери – ўқув курсларининг яратувчиси; фасилитейтор – ўқитиш методлари бўйича маслаҳатчи; тьютор–ўқув курсларини интерфаол тақдим этиш бўйича мутахассис; инвигилатор; таълим натижаларини назорат қилиш усуллари бўйича мутахассис бўлишни талаб этмоқда.

Замонавий технологиялар, масофавий олий педагогик таълимни янги-ча ташкил қилинишига замин яратади. Бундай таълимда ўқитувчилар, компьютер дастурчилари ва мутахассислари ёрдамида ўқитувчиларнинг янгича малака ошириш курсларини ташкил этиш талаб қилинади. Аслида масофавий ўқитиш курсларини яратишда дастлаб: мақсадга эришиш йўллари; ўқув материалларини тақдим этиш усуллари; ўқитиш методлари; ўқув топшириқларининг турлари; муҳокамалар учун саволлар; мунозара ва баҳсларни ташкил этиш йўллари; ўзаро алоқа усуллари ва коммуникация сингари омилларни аниқлаш лозим.

Дастлаб бўлажак мутахассислар бошланғич тайёргарлик даражасида қуйидаги талабларни ўзлаштирадилар:

1. Матн муҳаррирининг асосий объектлари ва улар устида бажарилиши мумкин бўлган амалларни билиши; матнни таҳрирлаш ва форматлаш учун матн муҳарририни қўллай олиши; график ахборотларни тақдим этишнинг вектор усуллариини ўринли қўллай олиши.

2. График муҳаррирининг асосий объектлари ва улар устида бажарилиши мумкин бўлган амалларни билиши; тасвирни яратиш ва таҳрирлаш учун график муҳаррирни қўллай олиши; электрон жадвалларнинг имконият ва вазифаларини тушунган ҳолда ишлата олиши; диаграммалар яратишни билиши; электрон жадвалларни масалалар ечишда қўллаши.

3. Маълумотлар базасининг имконияти ва вазифаларини тавсифлаши; маълумотлар базасининг турларини тавсифлаши; маълумотлар базасининг асосий объектлари ва улар устида бажарилиши мумкин бўлган амалларни билиши; оддий маълумотлар базасини ярата олиши; ёзувларни саралаш ва қидиришни амалга ошириши.

Бунда бўлажак мутахассислар ўз педагогик маҳоратларини қуйидаги модулла мазмунини ўзлаштирган ҳолда бойитиб борадилар:

1. Таълимда ахборот ва коммуникация технологиялари. Ахборот-коммуникация технологиялари воситалари, уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари, шахснинг таълим-тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва педагогик дастурий воситалар, ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини яратиш, уларни ўқув-тарбия жараёнида қўллашнинг дидактик асослари, ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва фойдаланишдаги педагогик-эргономик талаблар ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва таълим муассасалари ташкилий-бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари, электрон-ўқув материаллари базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий интернет ресурслар ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш;

2. Педагогик дастурий воситалар. Асосий тушунчалар: педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи, намоёниш этувчи дастурлар, назорат қилувчи дастурлар, ўргатувчи дастурлар, дастурий воситаларнинг дидактик имкониятлари, эксперт-ўргатувчи тизимлар, автоматлаштирилган ўргатувчи тизимлар, фойдаланувчи ва педагогик-дастурий воситаларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш методлари. Педагогик-дастурий воситалар яратиш тамойиллари: талабаларнинг психофизиологик хусусиятларини ва компьютернинг техник имкониятларини ҳисобга олиш, ўқитиш стратегиясининг устуворлиги; педагогик, психологик ва функционал тўлалик, мотивацияли фаоллаштиришнинг таъминланганлиги, қўллашдаги универсаллик ва модул тузилишга эгаллик. Педагогик-дастурий воситалар сценариясини яратиш технологияси: фойдаланиш мақсадини аниқлаш, ўқув материалларини таҳлил қилиш ва танлаш, уни структуралаш ва формаллаштириш, педагогик сценарийни тақдим этиш. Педагогик-дастурий воситалар асосида ўқув фаолиятини бошқариш. Дастурлаш тилларида педагогик-дастурий воситалар яратиш технологияси. Педагогик-дастурий воситаларни яратишнинг техник воситалари. “Лектор” тизими ва ундан педагогик-дастурий воситаларни яратишда фойдаланиш. Педагогик-дастурий воситалар бўйича практикум.

3. Электрон ўқув материалларини яратиш технологиялари. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари: электрон дарслик, электрон ўқув қўлланмаси, электрон маълумотнома, электрон мажмуа, электрон каталог ва бошқалар. Электрон ўқув материалларини яратиш босқичлари ва технологияси; электрон ўқув материалларини яратиш принциплари; Ўқув материалларига овоз бериш технологияси ва унинг воситалари.

4. Ўқитишнинг замонавий техник воситалари. Аудиовизуал ахборот: манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Аудиовизуал маданият: тарихи, концепциялари, тузилмаси, фаолият кўрсатиши. Инсон томонидан аудиовизуал ахборотни қабул қилишнинг психофизиологик асослари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар, уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув

қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерактив технологиялари.

Демак, ўқув жараёнларини ташкил этишда педагоглар замонавий ахборот технологияларини таълим ва тарбия жараёнида қўлай олиш бўйича педагогик маҳоратларини оширадilar, билим, кўникма ва малакаларга эга бўладilar. Ўқитувчи кадрлар педагогик маҳоратларини ошириш мақсадидан келиб чиқилган ҳолда талабаларда замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдалана олиш билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган. Шунингдек, таълим жараёнининг мақсади – талабаларда замонавий ахборот технологиялари, касбий фаолият ва ахборот жамияти учун зарур бўлган техник воситалар ва дастурий таъминот борасидаги билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади, замонавий ахборот технологияларини таълим жараёнида, шунингдек, касбий фаолиятларида ҳар қандай муаммоларни ечишда қўллашни ўрганадилар.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Nayitov O. E., Ochilova G. O. Business Psychology. – 2010.
2. Ochilova G. Ёшларни тадбиркорликка психологик жиҳатдан тайёрлаш //Архив научных исследований, 2021.
3. Очилова, Г. О., & Мусаханова, Г. М. (2017). Педагогика как наука на пути новых исследовательских задач, переосмыслений и перспектив. *Молодой ученый*, (7), 458-460.
4. Adilovna, O. G., & Khayitovich, B.E. GENDER FEATURES OF THE IMPACT OF FAMILY BUSINESS ON YOUTH ENTREPRENEURSHIP MOTIVATION.
5. Ochilova, G.O. EMPIRICAL RESEARCH RESULTS OF FAMILY BUSINESS INFLUENCE ON CHILDREN'S MOTIVATION FOR ENTREPRENEURSHIP.

*Раимова Нозима, Рақамли иқтисодиёт факультети  
КЕ-75 гуруҳ талабаси  
Илмий раҳбар: доцент Абдуллаева Р.М.*

## **ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ ЗАРУРАТИ**

Халқнинг, давлатнинг тақдири ва тараққиёти ҳамма замонларда ҳам етакчи раҳбарлар ва уларнинг фаолияти билан узвий боғланиб келган. Чунки, раҳбар шахсининг ақли, заковати, билим ва тажрибаси, одамларни уюштириб, уларни аниқ мақсад сари етаклай олиш қобилияти халқнинг тинчлиги ва осойишталиги, эркин ва фаровон ҳаётини таъминлашда ҳамisha муҳим аҳамият касб этади. Бошқарув тизимининг асосий, ҳал қилувчи жойларида замонавий фикр юритадиган, ўз халқи, Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрлар тайёрлаш лозим.

Ижтимоий ва иқтисодий жараёнларда рўй бераётган камчиликларнинг сабаби биринчи навбатда раҳбар кадрлар масаласига боғлиқлигини ҳам кўрсатади. Шунинг учун демократик жамиятда раҳбарлик қила оладиган ходимларни тайёрлаш, уларда миллий жипслик